

Қуръон асосан ўқиб, амал қилиш учун нозил қилинган илоҳий дастурдир



19:00 / 10.09.2024 1796

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿النَّزِيلَ أَنْزَلْنَاهُ مَكِّثًا عَلَى النَّاسِ عَلَى الْقُرْآنِ فَرَقْنَاهُ وَقُرْءَانًا﴾

«Ва Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришинг учун бўлиб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб нозил қилдик» (Исро сураси, 106-оят).

Ушбу оятда Қуръони Каримнинг бир йўла тугал бир китоб ҳолида эмас, балки бўлак-бўлак этиб нозил қилинганининг ҳикмати ҳақида сўз боряпти.

Маълумки, Аллоҳ таоло Қуръони Каримни бир оят, икки оят қилиб, баъзида ундан оз, баъзида ундан кўп қилиб, йигирма уч йил давомида нозил қилди.

Албатта, бунинг улкан ҳикматлари бор эди. Бу ояти каримада ўша ҳикматлардан бири – одамларга «аста-секин ўқиб бериш» зикр қилинган. Албатта, ўттиз пора Қуръон бир йўла тушса, уни одамларга ўқиб бериш осон бўлмас эди. Ўқиб берилганда ҳам, одамларнинг уни қабул қилиб олишлари осон бўлмас эди. Энг муҳими – Қуръони Карим ўқиш учунгина эмас асосан ўқиб, амал қилиш учун нозил қилинган илоҳий дастурдир. Уни бир йўла ўқиб, бир йўла амал қилиш осон эмас. Шунинг учун ҳам жоҳилият ботқоғига ботган одамларни аста-секин тарбиялаб, Ислому нурига олиб чиқиш учун йигирма уч йил керак бўлди. Шу даврда жаҳон тарихида мисли кўрилмаган ажойиб бир мусулмон уммати тарбияланиб, вояга етди. Улар ҳар бир оятни нозил бўлганидан кейин ўқиб, ўрганишар, ёд олишар ва унга амал қилишар эди. Ушбу шартларни амалга оширмагунларича, бошқа оятлар нозил қилинган бўлса ҳам, уларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан олмай туришарди. Оқибатда саҳобаи киромларнинг ҳар бирлари икки оёқда юрадиган тирик Қуръонга айландилар ва оз муддатда ер юзига Қуръон таълимотларини тарқатдилар.

Қуръон ана шундай нарса. Аллоҳ уни бўлиб-бўлиб нозил қилиб, кишиларга осонлик ҳам яратди. Энди бу ёғи одамларнинг ўзига ҳавола, икки дунё бахт-саодатини хоҳласалар, ушбу Қуръонга эргашсинлар, икки дунё бадбахтлигини хоҳласалар, эргашмасинлар. Бу ҳақиқатни уларга етказиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга топширилмоқда:

﴿سُجَّدًا لِلَّذِينَ لَا يُخِرُّونَ عَلَيْهِمْ يُتْلَىٰ إِذَا قَلْبُكَ مِنَ الْعِلْمِ أَوْ تَوَّأَ الَّذِينَ إِن تَوَّسُّوْا أَوْ بِرَبِّهِمْ أَسْمَاؤُا قُلْ﴾

«Сен: «Унга иймон келтиринглар ёки иймон келтирманглар – барибир. Албатта, ундан олдин илм берилганлар, у уларга тиловат қилинганда, юзлари ила саждага йиқилурлар», – деб айт» (Исро сураси, 107-оят).

Ушбу оят сажда ояти бўлиб, уни ўқиган ёки эшитган одамга қироат саждаси қилиш вожиб бўлади.

Бу ояти каримадаги хитоб кофир ва мушрикларга қаратилган. Уларга «Қуръон ҳақидаги васфларни билдингиз, уни Пайғамбаримиз сизга етказди, энди хоҳласангиз, унга иймон келтиринг, хоҳласангиз, иймон келтирманг», – дейилмоқда.

«Албатта, ундан олдин илм берилганлар, у уларга тиловат қилинганда, юзлари ила саждага йиқилурлар».

Қуръондан олдин илм берилганлар, деганда Таврот ва Инжил берилганлар тушунилади. Аллоҳни таниганлар, дин-диёнат, пайғамбар, илоҳий китоб, ваҳий, фаришта каби нарсалар нима эканини биладиганлар уларга Қуръони Карим тиловат қилиниши билан ўзларини тутта олмай, саждага йиқилдилар.

﴿المفعولاً ربنا وعدك ان ربنا سبحن ويقولون﴾

«Ва: «Роббимиз покдир. Шубҳасиз, Роббимизнинг ваъдаси амалга ошажак», - дерлар» (Исро сураси, 108-оят).

Улар саждага йиқилиш билан бирга, Аллоҳ таолони турли айб ва нуқсонлардан поклаб, Унга тасбеҳ ҳам айтадилар. Аллоҳ Ўзи берган ваъдасини албатта амалга оширишини таъкидлайдилар. Аллоҳ уларга Тавротда ва Инжилда замон охирлаб қолганида маълум сифатларга эга бўлган Пайғамбар юбориб, унга Ўзининг охирги Китобини нозил қилишни ваъда этган эди. Улар «Бошқа ваъдалари қатори, бу ваъдасини ҳам амалга оширибди», дейдилар. Уларнинг бу эътирофлари фақат оғизларидан чиқадиган сўзлар билан ифода қилинмайди. Балки амалий жиҳатдан ҳам тасдиқланади.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди